

## ЗИДДИЯТ

**Фермерлар шикоятидаги "Х. Чоршанбиев туман фермер хўжаликлари уюшмаси вакиллигининг ҳам ваколатини ўз зиммасига олган, оқибатда вакиллик билан фермерлар орасидаги ҳамжиҳатликка дарз кетган. Биз барча ишда фермерларга бошчилик қилиш ваколати уюшмага қайтарилиши тарафдоримиз", деган иддаолар ҳам ҳақиқатга яқиндек.**

2-бет

## ДАРД НЕ ЭКАНИН КАСАЛДАН СЎРА...

5 июнь — Умумжаҳон табиатни муҳофаза қилиш куни

*"Сув ўжар, инсон ундан ҳам ўжар". Собиқ шўролар даврида "биз табиатни инсон измига бўйсундирамиз" деган шиор байроқ қилиб олинганди. Она-табиатда ҳамма нарса ҳисобли эканлигини тарихий қисқа давр ичида ҳаётнинг ўзи исботлади. Сувдан оқилона фойдаланмаслик оқибатида каттагина денгизнинг бошини едик!*

3-бет

## «ҲАЛИ ЎЗБЕКНИНГ БИР ҲАЙҚИРИШИ БОР...»



*"Кўрдим: Шукур Бурхон "Ҳамза"дан чиқиб,*
*аста пиёдалаб кетди бир куни.*
*Бир ён гавжум кўча, бир ён расталар,*
*Оломон...*
*Кўпчилик билмади уни".*

4-бет


Mustaqil gazeta

# HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan

№22 (328) 2003-yil 4-iyun


**ВАЛЮТА ҚИЙМАТИ**

**1 АҚШ $ — 971,98 сўм**

**1 ЕВРО — 1134,79 сўм**




**«Ҳуррият» сизники, Сиз ҲУРРИЯТники бўлинг!**

Газетамизга обуна давом этмоқда.

**Нашр кўрсаткичимиз:**
Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233.


Якун

# ИНТЕГРАЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯГОНА ЙЎЛИ

***Фан ва техника тараққиёти халқлар ва мамлакатлараро алоқаларни янги ўзанга буриб юборди. Биз шунақа паллага етиб келдикки, алоҳида ва биқиқ ҳолатда яшашнинг ҳеч қандай имконияти йўқ. Инсоният вақт ўтган сари ягона тўхтам атрофида тобора мустаҳкам жипслашмоқда: бугунги кунда ҳеч ким билан алоқа қилмасдан — интеграциялашув жараёнисиз, алоҳида ҳолатда яшаб бўлмайди. Шу боис мамлакатлар ҳаётида ташқи сиёсат тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.***

Ўзбекистон барча соҳаларда интеграциялашув тарафдори ва уни қўллаб-қувватлайди. Ва унинг бу жараёнга қўшилишида айни пайтда икки ҳолатни кузатиш мумкин. Биринчиси, Ўзбекистон ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда бу жараённинг фаол иштирокчисига айланишига аввало ўзи интилаяпти. Иккинчи ҳолат эса Ўзбекистон мавжуд салоҳияти ва минтақада тутган ўрнига қараб бошқа мамлакат ҳамда халқаро ташкилотлар томонидан бу жараёнга бевосита жалб қилинмоқда. Ва яна бир муҳим жиҳати, Ўзбекистон қайси ташкилотга интилар ёки жалб қилинар экан, у энг аввало иқтисодий масалаларни назарда тутади. Масалан, у Ўзбекистон учун иқтисодий жиҳатдан қанчалик фойдали ёки...

Президент Ислом Каримовнинг 29-31 май кунлари Россия Федерацияси пойтахти Москва ҳамда Санкт-Петербург шаҳарларига қилган расмий ташрифи интеграциялашув жараёнини кучайтиришга бевосита хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Президент Ислом Каримов қайси бир мамлакат ёхуд халқаро ташкилот йиғилишига ташриф буюрмасин, ундан имкони борича кўпроқ фойдаланиб қолишга ҳаракат қилади. Буни мамлакат раҳбарининг сафар давомидаги тиғиз иш куни кетма-кет қилган суҳбат ва учрашувларидан ҳам англаш қийин эмас. Москвага қилинган сафари чоғида ҳам ана шундай бўлди. Кремлда бўлиб ўтган Шанхай Ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг учрашувидан олдин Президент Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзинтао билан учрашди. Мамлакатимиз раҳбари ушбу учрашув юксак даражада ўтганлигини таъкидлади ва бундан мамнун эканлигини изҳор қилди. Хитой билан Ўзбекистон ўртасида айни пайтда юздан ортиқ ҳуқуқий ва дипломатик ҳужжатлар имзолангани назарда тутиладиган бўлса, ўзаро манфаатли алоқалар учун катта имкониятлар мавжуд эканлигини англаш қийин эмас. Президент Ислом Каримов ушбу учрашувда Хитой томонининг айтган бир гапига алоҳида урғу берди. Вазият қай томонга ўзгармасин, бу ҳолат Хитой ва Ўзбекистон муносабатларига таъсир ўтказолмайди. Аксинча, ўзаро манфаатли алоқалар юксалиб бораверади. Ушбу учрашувда янги йўналишлардаги алоқалар хусусида ҳам таклиф-мулоҳазалар билдирилган.

Айниқса, ҳозирги шароитда бир неча мамлакат иштирокидаги ташкилотларни тузиш ёки таъсис этиш ҳар қалай қийин иш эмас. Ҳамма гап уларнинг амалда самарали ишлашида. Яқин ўтмишга бир назар ташлайлик. Қанчадан-қанча халқаро ташкилотлар тузилмади, дейсиз. Лекин уларнинг қай бири "яшаб" қола олди...

Аслида, тарих синовларидан ўтган, яшаб келаётган халқаро ташкилотлар ҳам кам эмас. Масалан, Европа Иттифоқининг Европа мамлакатлари тараққиёти ва интеграциялашуви жараёнидаги аҳамиятини ҳеч ким инкор эта олмайди. Бундай мисолларни яқин ўтмишимиздан ҳам истаганча келтириш мумкин. Ана шундай нуқтаи назар билан қараладиган бўлса, афсуски, МДҲ борасида ҳали илиқроқ гап айтиш мушкул. Ўзбекистон томони бу борада ўз хулосасини ўша вақтнинг ўзидаёқ қатъий билдирган эди. Ҳуқуқий ёки дипломатик ҳужжатлар имзоланавериши, улар ҳатто сон-саноқсиз бўлиши мумкин, лекин ҳеч қандай самара бермаса-чи, амалда ишламаса-чи? Шунданми, МДҲ бир ёқда қолиб, унинг ичидагилар яна бошқа ташкилотлар тузиш билан машғул бўлишмоқда. Қолаверса, ён-атрофда "МДҲнинг истиқболи борми?" деган саволлар ҳам пайдо бўлаётгани бежиз эмас.

МДҲ, ниҳоят, 2003 йилда амалий қадамлар қўйишга азму шижоат қилган кўринади. Маълумки, шу йилнинг февралида Киев саммитида МДҲ мамлакатлари 2003 йилни эркин савдо ҳудудини ташкил этиш масалаларига бағишлашга келишишган эди. Ана шу "орзу"нинг биринчи босқичига жорий йилнинг сентябрида Ялтада бўлиб ўтадиган саммитда якун ясалишига умид билдирилмоқда.

МДҲ доирасида эркин савдо ҳудудини барпо қилиш масаласини Президент Ислом Каримов ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашини билдирди. Бу Ўзбекистон учун жуда муҳим. Очиқроқ айтганда, Ўзбекистон бундан манфаатдор. Ва токи, Ўзбекистон маҳсулотлари Европага ана шу ҳудуд орқали ўтар экан, бу масала ўзининг аҳамиятини йўқотмайди.

МДҲ мамлакатлари раҳбарларининг бу галги учрашувида асосан иқтисодий интеграцияни кучайтириш хусусида гап бордики, бу Ўзбекистон томони тутаётган "позиция"га тўла мос келади. Учрашувда энергетика ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, умумий аграр бозорга асос солиш зарурлиги борасида ҳам умидбахш таклиф-мулоҳазалар айтилди.

Президент Ислом Каримов сафардан қайтаётиб, журналистларга берган интервьюсида йиғилиш ва учрашувларда асосан учта, яъни хавфсизликни мустаҳкамлаш, иқтисодий интеграция ҳамда гуманитар масалалар борасида фикр-мулоҳазалар билдирилганини айтди. Ва, айниқса, иқтисодий интеграциянинг Ўзбекистон ҳамда мустақиллик йўлини танлаган барча мамлакатлар тараққиёти учун тутажак аҳамиятига муносиб баҳо берди.

**Исмат ХУДОЁРОВ**

# ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

*Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси халқимизнинг гўзал ва фусункор баҳорий айёми бўлмиш Наврўзга бағишланган*

**«НАВРЎЗ — БОҚИЙ БАЙРАМ»**

танловини якунлаб, ардоқли фаслнинг бетакрор ва боқий фазилатларини ўзига хос маҳорат билан талқин этган ва оммалаштиришга ҳисса қўшган қуйидаги журналист ва таҳририятларни навбатдаги ижодий мубоҳасамиз ғолиблари деб топди:

**Фахриддин КАРИМОВ** — "Маърифат" газетасида эълон қилинган сара мақолалари учун;

**"Зарафшон" газетаси (Самарқанд вилояти)** — Наврўз таранум этилган туркум мақолалар учун;

**"Поп тонги" газетаси (Наманган вилояти)** — Наврўз айёмининг маънавий ва ҳаётий жозибасини мадҳ этишдаги изчиллиги учун.

ММMда

# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК

## ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

Жаҳон Интеллектуал мулк ташкилоти ҳамда Ўзбекистон Давлат муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги ҳамкорлигида "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни жамоа бўлиб бошқаришнинг хусусиятлари" мавзусида халқаро семинари 3-5 июнь кунлари Тошкентда ўтказилиши режалаштирилган эди. Кеча Миллий матбуот марказида ушбу анжуман ўз ишини бошлади. Унда бир қанча хорижлик мутахассислар таъсисчи идора ходимлари, таниқли журналистлар, шу билан бир қаторда турли соҳа вакиллари ҳам иштирок этишмоқда.

Семинардан кўзда тутилган мақсад Республика муаллифлари, ижрочилар, артистлар, телерадио, аудио, видео киностудияларнинг шу соҳадаги тегишли ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада кенгайтириш, бу вазифаларга салбий таъсир этадиган омилларни бартараф этиш йўллари, муаллифлик ва ижрочилик ҳақларини йиғиш, тақсимлаш тизимини шакллантиришда кўмак беришдан иборат.

Маълумки, Ўзбекистон интеллектуал мулкни ҳимоя қилишга ихтисослашган Жаҳон интеллетуал мулк ташкилотининг 1993 йилдан буён тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. Бу халқаро ташкилот билан Ўзбекистон ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Сўнгги пайтларда бу ташкилот ҳомийлиги ва ҳамкорлигида республикамизда бир қатор халқаро анжуманлар ўтказиб келинмоқда. Республикамизда муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган. "Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги, "Реклама тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги, "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидандир.

Республикамизда ҳар бир кишининг эркин ижод қилиши учун тенг шароитлар ва имкониятлар яратилган. Лекин турли-туман ахборот бозорида муаллифларнинг асарлари ҳамма вақт ҳам тўла ҳимоя қилинмаётир. Масалан, рухсатсиз равишда, муаллифларнинг розилигисиз уларнинг асарларини аудио-видео тасмаларига ёзиб олиш, кўпайтириш, бозорларда қонунсиз сотиш, натижада эса муаллифларга қалам ҳақлари тўланишини пайсалга солиш ҳоллари кўплаб учрайди.

Ушбу анжуман юқоридаги барча муаммоларни ҳал қилишда катта аҳамиятга эга бўлади, деб умид қилиш мумкин.

**Мақсудали ҚАМБАРОВ**

**«Ҳуррият»ни самода ҳам ўқишмоқда**



**2003 йил давомида «Ҳуррият» «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси самолётларида йўловчиларнинг энг яқин ҳамроҳи бўлади.**

Нашр

# ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА

***"Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ва журналистлари" китоби ҳақида мулоҳазалар***

Дунёда энг нозик ва ноёб касб нима, деган саволга ҳеч иккиланмасдан — журналистика деб жавоб берган бўлур эдим.

У шунчалик сирли соҳаки, ҳеч ким ақл-идрок билан ё шунчаки бу касбни танламайди. Билъакс, бу касбнинг ўзи фидойиларини танлаб олади. Шул боис ҳам Журналистика факультетини тамомлаганларнинг ҳаммаси ҳам журналист бўла олмайдилар. Пешонасига айнан журналистлик қисмати битилган кишилар хоҳ агроном бўлсин, хоҳ ўқитувчи — таҳририят аталмиш "Руҳият кошонаси"га қандоқ келиб қолганларини ўзлари ҳам сезмай қоладилар.




Эътибор беринг, ҳар бир қишлоқ ё маҳалладан ўнлаб олий маълумотли ўқитувчилар, шифокорлар, муҳандислар, агрономлар, бухгалтерлар ва бошқа касб эгалари етишиб чиқиши мумкин. Бироқ нечта қишлоқ ё маҳалла ҳисобига битта журналист тўғри келаркин? Узоққа бормайлик, 170 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган биргина Қибрай туманидан етишиб чиққан журналистлар сони ўн нафарга етмайди... Демак, бу туманда тахминан 20-25 мингдан ортиқ одамлар орасидан атиги бир нафари шу шарафли касб эгаси бўлиш бахтига мушарраф экан!.. Мамлакатимиз миқёсида-чи? Қарийб йигирма олти миллион киши орасидан етишиб чиққан журналистлар сони олти мингга етармикин? Дунё миқёсида-чи?..

Кўплаб таҳририятларда фаолият кўрсатишаётган журналистлар дипломида ёзилган "ихтисоси — Журналист" бўлатуриб, эплай олмаганидан сўнг ўрнини амалда бу соҳага муносиб одам эгаллаши табиий ҳол.

Ҳисоб-китобларга қараганда, дунёда энг қисқа умр кўрадиган касб эгалари, афсуски, журналистлар экан. Умри бўйи ёниб яшайдиган, тиниб-тинчимас қалам соҳибларининг аксарияти пенсия ёшига етмаётганининг шоҳиди бўлиб юрибмиз. Мисол учун, сўнгги йилларда ўша Қибрай туман таҳририятида фаолият кўрсатишаётган тўрт нафар ҳамкасбимиз бевақт ҳаётдан кўз юмдилар. Иштихонлик журналистлардан тўрт нафаридан жуда барвақт жудо бўлганимиз ҳақидаги мақолам эса яқинда "Адолат" газетасида ёритилганидан кўпчилик бохабар...

Бу касб эгаларининг феъли-атвори ҳам жуда антиқа. Ҳар бири — ўзича бир олам! Энг ҳақиқатгўй ҳам, озмикўпми ёлғончилик кўчасида саргардон юришга "маҳкум" кишилар ҳам журналистлар бўлса керак. Энг бағрикенглар ҳам, энг феъли торлар ҳам, энг олижаноб ёхуд бироз қитмирроқлар ҳам журналистлар орасидан исталганча топилади. Энг инжиқ касб эгалари ким деган ғайриоддий саволга ҳам бир сўз билан — журналистлар, деган жавоб унчалик хато бўлмаса керак. Кўпчилик одамлар журналистларга нақадар ишонч кўзи билан қараши ва айни вақтда мутлақо ишонмаслиги сабаби ҳам шунда! Алалхусус, менинг бу "мухтасар" фикримга қўшиладиган меҳридарё ҳамкасбларимни ҳам, асло "хазм қила олмай" бурнини жийираётган дўстларимни ҳам тушунаман.

Бу соҳа майдонида ажиб манзараларга дуч келганмиз: ҳақиқий журналист бирор жойда касби ҳақида лоф урмайди ё фаолият кўрсатаётган газетасининг номини пеш қилмайди! Бирор газетадан амаллаб шапалоқдеккина "қизил ҳужжат" олишга эришган кимсалар эса ҳар қадамда: "Тўртинчи ҳокимият!"миз дея томоқ йиртиши ҳам кулгили, ҳам ачинарли ҳол...

Матбуотни маънавият қуёши, ҳақиқат чироғига айлантириш учун чинакам курашаётган фидойилар ҳам, "тирикчилик манбаи" сифатида фойдаланишга чираниб юрган кимсалар ҳам исталганча топилади.

Ҳавас қилса, ибрат олса арзигулик устоз журналистлар билан фахрлансанг, бу ажойиб касб шаънига доғ тушириб юрган кимсалар қаҳрингни келтиради...

Қаранг, дипломат кўпроқ ўзгалар фикрларини ўрганиш учун тил ўрганса, журналист ўз фикрини уқдириш, имкон қадар жаҳонга ёйиш учун дунёвий тилларни ўзлаштиришга ошиқади.

Тағин бир қизиқ манзара, прокурор ўз ўғлининг ҳам келажакда етук қонун ҳимоячиси бўлишини, ҳоким зурриёдининг буюк арбоб даражасига етишини, дипломат дунёда ўз ўрнига эга сиёсатдон ўғилни вояга етказишни, санъаткор — санъаткор бўлишини, борингки, ошпаз ҳам дилбандининг иложи борича "ота касби"ни эгаллашини орзу қилиши ва шу орзулари йўлида астойдил курашиши одатий ҳол. Бироқ бирор журналистнинг ўз фарзандини атай Журналистика факультети остонасида етаклаб юрганини учратмадим. (Суяк суриб — ўзи атай шу касбни танлаган ёшлар бундан мустасно!..)

*(Давоми 2-бетда).*

Фикр

# ЖАРИМА: ЖАЗОМИ Ё ИМКОНИЯТ?..

***Ёдингизда бўлса, бундан бир неча йил аввал матбуотимизда бир банка карам савдосига дахлдор "жиноят иши" тўғрисида хабар босилди. Анча-мунча шов-шувга сабаб бўлган бу хабарнинг мазмунини, эҳтиёти шарт, яна бир карра эслатиб ўтақолайлик: Германиянинг қайсидир шаҳридаги қайсидир дўкондан немис аёли бир банка тузланган карам харид қилади. Уйига келиб, банкани очиб кўргач, биладики, карам айниб қолган экан. Ғазабланиб ўша савдо дўконини судга беради. Суд жараёни бошланади, матбуот шов-шув кўтаради, минглаб кишилар аёлнинг қаҳру ғазабига "жўр" бўлишади: истеъмолга яроқсиз карамни сотишибди-я! Қандай даҳшат, қандай даҳшат! Истеъмолчи ҳуқуқи шу қадар беорлик билан оёқости қилинадими?! Биз ҳуқуқий давлатда яшаяпмизми, йўқми, ўзи?!..***

Немислар ҳақиқатан-да ҳуқуқий давлатда яшаётганликлари яна бир карра ўз тасдиғини топади: суд истеъмолчи ҳуқуқини "классик" даражада ҳимоя қилади. Яъни жавобгардан даъвогар фойдасига харид қилинган товар нархининг минг баробари миқдорида жарима ундириш тўғрисида қарор чиқаради. Шундай қилиб, икки маркалик карам сотган дўкондор харидорга икки минг марка жарима тўлайди...

Даъвогар ва унга ҳамдард бўлган фуқаролар суд қароридан қониқиш ҳосил қилдиларми, йўқми — буни билиш учун Шерлок Холмс бўлиш шарт эмас. Тўғри, даъвогар аёл бироз хафа бўлган бўлиши мумкин: нега ўшанда ўн банка карам олақолмадим экан, деб!

Мақолани олис Герман юртида, яна бир неча йил муқаддам рўй берган суд жараёни тафсилоти билан бошлаганимизга ажабланманг. Зеро, биз ушбу мақоламизда айнан шу мавзуда — жарима жазосини қўллаш ва жаримани ундириш хусусида айрим мулоҳазаларимизни билдириб ўтмоқчимиз.

Маълумки, ҳақиқий қонун адолат пойдевори устида қурилади, адолат дарахтининг илдизи эса мантиқ қудуғидан сув ичади. Демак, қонун қабул қилишда мантиқ асосий мезон ҳисобланади. Мантиқан олиб қараганимизда тергов ёки суд органига мурожаат қилган фуқаро, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос мижозга айланади. Мантиқ адолат принципларидан чекинмаган ҳолда мижоз манфаатини ҳимоя қилишни тақозо этади. Биз юқорида эслатган карам воқеасида мантиққа риоя қилинганми? Юз фоиз! Чунки ўша чоғда ҳам жабрдийда аёлнинг чўнтагига ярим марка келиб тушмасди, яъни унинг манфаати таъминланмасди! Масаланинг ижтимоий томони-чи, дейсизми? Бизнингча, бу борада ҳам мантиқийлик таъминланган: сотувчи қамалиб кетганда дўкон эгаси унинг ўрнига бошқа бировни ёллаб ишлатаверарди: пештахта ортида Гертхард турди нима-ю Зигмунд турди нима! Энди эса ғоят эҳтиёт бўлади: ахир, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ чўнтакдан пул чиқариш кимга ҳам ёқарди, дейсиз!



Кўриниб турибдики, жарима, бу шунчаки зарарни қоплаш усулигина эмас, айни вақтда иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг олдини олишнинг самарали воситаси ҳамдир. Шу билан бирга, бирор-бир шахс ёки хўжалик юритувчи субъектга етказилган мулкий зарар имкон қадар зудлик билан ундириб берилиши зарур. Бу жараённинг чўзилиши уларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Сирдарё вилояти прокуратураси тергов бошқармаси ва шаҳар-туман прокуратуралари фуқаро, жамоат ёки давлат манфаатларига у ёки бу кўламда етказилган зарарларнинг тергов жараёнидаёқ ундирилишини таъминлаш борасида сўнгги йилларда муайян тажриба тўпладилар. Мазкур йўналишда тегишли тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилди. Унда етказилган зарар миқдорини аниқлаш ва унинг ундирилишини доимий назоратда тутишдан ташқари тушунтириш-тарғибот ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шу ўринда инсоф юзасидан бир нарсани қайд этиб ўтмоқчимиз. Маълумки, шўро даврида қабул қилинган айрим қонунлар мантиққа зид бўлиб, жиноятнинг очилиши, зарарнинг қопланишини мушкуллаштирарди. Мустақиллик шарофати билан биз ҳам том маънодаги ривожланган давлатларнинг қонунчилигини ўрганиш, уларнинг адолатли, пурсамара усулларини ўзлаштириш, ўзимизга мос келадиган жиҳатларидан фойдаланиш имконига эга бўлдик. Тараққий этган давлатлар тажрибалари асосида қабул қилинган кўплаб ҳужжатлар тергов ва суд органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга кўмаклашаётир. Чунончи, иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишларини (ЖК 164-166, 169-моддаларида кўзда тутилган ўта оғир жиноятлардан ташқари) кўриб чиқаётганда етказилган зарарнинг ихтиёрий равишда қопланганлиги фавқулодда ҳолат ҳисобланиши ва айбдорга нисбатан озодликдан маҳрум этиш жазосини қўлламаслик учун асос бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги Олий Суд Пленумининг 2000 йил 22 декабр қарори, 2001 йил 29 август куни қабул қилинган "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунни ва ушбу Қонунга дахлдор бошқа меъёрий ҳужжатларнинг амалий самараси кўзга ташланиб қолди. Худди мана шу самара ўлароқ вилоятда мулкий зарарни тергов жараёнидаёқ ундириш миқдори йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Масалан, ўтган 2002 йилда 859,1 миллион сўмлик зарар аниқланиб, шундан 711,5 миллион сўм ҳажмидаги зарар тергов жараёнининг ўзида ундирилди. Жорий йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида прокуратура идоралари томонидан аниқланган 354,8 миллион сўм мулкий зарарнинг 306,2 миллион сўми ҳам тергов жараёнида ундирилиши таъминланди. Жиноятлар оқибатида етказилган мулкий зарарни ундириб олиш кўрсаткичи, қисқа вақт ичида 83 фоиздан 86,2 фоизга ўсди. Бу вилоятлараро энг юқори кўрсаткичдир. Аммо мана шу кўрсаткич ҳам мулкий зарарни тергов жараёнининг ўзидаёқ тўла ундириб олиш имкони йўқлигини кўрсатиб турибди. Ана шунинг учун ҳам 2002 йилда тергов жараёнида ундириш имкони бўлмаган 23,8 миллион сўмни ундириб олиш юзасидан прокурорлар томонидан жиноят ишлари билан бирга судларга 43 та даъво аризаси ҳам юборилди. Жорий йилнинг дастлабки тўрт ойи мобайнида эса 15 та шундай даъво аризаси киритилди. Бу 48.630.000 сўмлик мулкий зарарни ундириш чораси кўрилди демакдир.

Сўнгги пайтларда амалга оширилган таҳлиллар бу борада муаммолар ҳам мавжудлигини аён этди. Хусусан, айрим ҳолларда айбланувчиларнинг уй-жойлари олинди ёки бошқа мол-мулклари натура шаклида ундирилди, деб сохта ҳужжатлар тайёрланган. Яна шундай ҳолатлар ҳам бўлганки, айбдор даъвогарга пул ўрнига ишдан чиққан ёки талаб-эҳтиёж бўлмаган техника воситаларини, эҳтиёт қисмларини, қурилиш материалларини топширган. Даъвогар буларни на ишлата олган, на сотиб пул қила олган. Адолат мезонига, даъвогар манфаатига зид бундай ҳолатларга барҳам бериш учун "Ғаллабанк"нинг вилоят филиалида махсус депозит ҳисоб рақами очилди. Эндиликда кўрилган зарар бўйича ундирилган пул мазкур ҳисоб рақамига туширилиб, мулкий зарар кўрган даъвогар субъектларнинг банклардаги ҳисоб рақамларига ўтказиб берилмоқда. Бу, бир томондан, қопланмаган мулкий зарарни қопланди, деб сохта маълумот тақдим этишнинг йўлини кесган бўлса, иккинчи томондан, вилоятдаги нақд пул айланмаси ва эмиссиясига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Энди эътиборингизни ҳозирги кунда ҳам ҳукм сураётган бир муаммога қаратмоқчимиз. Юқорида зикр этилган Қонунда "ўзганинг мулкини ўзгартириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш" (ЖКнинг 167-моддаси), "фирибгарлик йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш" (ЖКнинг 168-моддаси)

*(Давоми 2-бетда).*

Mustaqil gazeta
HURRIYAT



## Дараклар

### БИН ЛОДИННИНГ МАТБУОТ КОТИБИ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

**Саудия Арабистони матбуоти тарқатган хабарларда айтилишича, "Ал-Қоида" террорчилик ташкилоти раҳбарларидан бири Сулаймон Абуғайт Эронда ҳибсга олинган. Тахминларга қараганда, Бин Лодин ва Ал-Завархарийдан кейинги мавқеда турган Сулаймон биринчи рақамли террорчининг матбуот котиби бўлган. Умуман, сўнгги вақтда террорчилик гуруҳларига дахлдор деб гумон қилинган кўплаб шахслар қўлга олинмоқда.**

**Эрон Ташқи ишлар вазирлиги вакилининг билдиришича, мамлакатда ушбу жиноятга алоқадор 500 га яқин маҳбус ҳибсда сақланмоқда. Биргина ўтган ҳафтанинг ўзида 20 нафар шубҳали шахс қўлга олинган. Эрон расмий вакилининг таъкидлашича, улар орасида 12 май куни Саудия пойтахти Ар-Риёдда содир этилган қўпорувчилик ҳаракатида айбдор деб гумон қилинаётган маҳбуслар ҳам бор.**

### ДИПЛОМАТЛАР ТАН ОЛИНМАЙДИ

**АҚШ Давлат департаменти вакили Ричард Баучер Вашингтон Бағдоддаги хорижий дипломатик ваколатхоналарни тан олмаслигини маълум қилди. Шу боис у дипломатларнинг Ироқ пойтахтига бормасликларини тавсия этди. Баучернинг билдиришича, дипломатларнинг хавфсиз фаолияти учун ҳали тўла шарт-шароит яратилганича йўқ.**

**Маълумки, Саддам Ҳусайн даврида рўйхатдан ўтган дипломатик ваколатхоналар мақоми бугун ўз кучини йўқотган. Хабарларга қараганда, ҳозирги пайтда Ироқнинг тикланиш жараёнида иштирок этаётган ва иттифоқчилар билан ҳамкорлик қилганларгагина дипломатик мақом берилади.**

### МАРСДА ҲАЁТ БОРМИ?

**Ушбу саволга куни кеча Қозоғистоннинг Бойқўнғир космодромидан фазога учирилган "Марс-экспресс" кемаси жавоб топиши мумкин. Мутахассисларнинг айтишича, фазо кемаси 6 ой давомида учиб, Марс сайёрасига етиб боради. Шундан сўнг "Марс-эксперсс"дан капсула ажралиб чиқади ва сайёра тупроғидан намуна олади. Шу асосда Марсда ҳаёт бор ёки йўқлиги илмий жиҳатдан тадқиқ этилади. "Марс-экспресс" парвозининг умумий қиймати эса 300 миллион еврони ташкил этади.**



**Олимлар Марс Ердаги каби ҳаёт бўлиши мумкин бўлган сайёра эканини тахмин қилишади. Шу боис ҳам сирли сайёрани ўрганиш учун кўп бора ҳаракат қилинган. Шу пайтга қадар биргина АҚШ томонидан Марсни ўрганиш учун учта ракета учирилган. Бироқ улар мақсадни тўла оқлаган, деб бўлмайди. Мутахассислар бу сафар "Марс-экспресс" парвозининг муваффақият келтиришини умид билан кутишмоқда.**

### SARS КАНАДАГА ҚИММАТГА ТУШМОҚДА

**Пневмонияга ўхшаш номаълум касаллик аҳолини ўз домига тортишда давом этмоқда. Маълумотларга қараганда, касаллик қурбонлари сони кун сайин ошиб бормоқда. Канаданинг Торонто шаҳри касалхоналаридан бирида 60 ёшдан ошган бемор ушбу хасталикдан вафот этди.**

**Умуман, Торонтода бу каби ҳодисалар тез-тез кузатилмоқда. Шу сабаб, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти шаҳарни касаллик тарқатаётган ҳудуд деб эълон қилган. Ҳозирча Торонтога сайёҳларнинг ҳам бормаслиги тавсия этилмоқда. Ўзи шундоғам жаҳон сайёҳларининг оёғи у ердан аллақачон узилган. Шаҳардаги мактаблар ҳам ҳозирча ҳувиллаб қолган. Ҳатто SARS касаллигига дахлдор бир мактаб ёпилган ва ўқувчиларга карантин эълон қилинган. Нима бўлса ҳам, пневмония деганлари Канадага ғоят қимматга тушмоқда. Бундан бир ойча аввал SARS вируси мамлакат бюджетига 1,5 миллиард доллар зарар келтиргани айтилганди. Табиийки, бу рақамлар бугунга келиб янада йириклашган.**

*Интернет хабарлари асосида*
*Абдул СОБИР тайёрлади*

## Дунё

# БРАЗИЛИЯ: ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН АФСОНА

Бразилия. Бу номни эшитганда, кўпчиликнинг тасаввурида инсон қадами етмаган чангалзорлар, гўзал ўрмонлар, қудратли шаршаралар, улкан кофе плантациялари ёки бағрига минглаб мухлисларни сиғдира оладиган футбол ўйингоҳлари жонланади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Бу юртни бежиз "Тўп сеҳргарлари ватани" деб аташмайди. Футбол бразилияликларнинг умр мазмуни, ҳаёт-мамотига айланган. Бразилияда кимки бой бўлишни, давлат орттиришни истаса, футбол ўйнайди! Бироқ ҳозир бразилияликлар футболсиз яшай олмаслиги ҳақида ёзмоқчи эмасмиз, албатта. Бу ҳақда кўп бора ёзилган, кўп бора айтилган. Мақсадимиз бошқа. Азиз газетхонларга футбол юлдузлари "ишлаб чиқарувчи корхона"га қиёсланадиган Бразилиянинг иқтисодий имкониятларини таҳлил этиб ўтмоқчимиз.

Мексика, Марказий Америка, Кариб ҳавзаси ва Жанубий Америка мамлакатлари биргаликда улкан Лотин Америкаси иқтисодий минтақасини ташкил этади. Бразилия минтақанинг 48 давлати орасида аҳолиси сони, майдони, табиий заҳиралари, иқтисодий тараққиётига кўра биринчи мамлакат ҳисобланади. Дунё миқёсида эса эгаллаган майдони (8,5 миллион кв.км) ва аҳоли кўрсаткичи (171,8 миллион киши) бўйича бешинчи ўринда туради.

Лотин Америкаси ҳудуди катталиги, аҳоли сонига кўра Осиё ва Африкадан кейинда тургани ҳолда саноат ривожланиши бўйича улардан илгарилаб кетган: минтақа дунёдаги барча ривожланаётган мамлакатлар саноат маҳсулотининг ярмини беради. Бироқ қизиғи шундаки, 50 га яқин мамлакатни бирлаштирган Лотин Америкаси саноат ишлаб чиқаришининг 80 фоизи уч мамлакат — Бразилия, Мексика ва Аргентина ҳиссасига тўғри келади. Сўнгги вақтда жиддий муаммога айланаёзган Аргентина иқтисодиётидаги инқирозлар сабабли, Бразилиянинг етакчилик мавқеи янада ошди, минтақа ва, умуман, дунё бозорида мамлакат маҳсулотларига талаб кучайди.

Бразилия — табиий ресурсларга бой давлат. Бу ерда 50 га яқин минерал хом ашё қазиб олинади. Мамлакат ишланадиган ер майдонига кўра олдинги ўринда туради. Бразилиянинг деярли 40 фоиз майдони ўрмонлардан иборат. Дунёнинг энг серсув дарёси Амазонка ҳам шу юрт тупроғидан оқиб ўтади. Яъни мамлакат бениҳоя катта ўрмон ва сув ресурсларига эга. Бундан ташқари, Бразилия уммон бўйида жуғрофий қулай ҳудудда жойлашган. Бу табиий омилларнинг барчаси мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти учун қулай шарт-шароит яратади.

Португал денгиз сайёҳи Педру Кабрал Бразилияни кашф этган илк даврларда "паул-бразил" деб номланган қизил дарахтдан бўёқ олинган (Бразилия сўзининг келиб чиқиши ҳам ана шу дарахт номига боғлиқ). Бу ғоят қимматбаҳо маҳсулот саналган. Кейинроқ мустамлакачилар шакар етиштириш даромадли эканини билиб қолишди ва тарихда "шакар саросимаси" деб номланган жараён бошланиб кетди. Бу эса мамлакат ижтимоий қисмининг ривожланишига ёрдам берди. Орадан бир-икки аср вақт ўтгач, кофе Бразилиянинг асосий маҳсулотига айланди, бу гал янги иқтисодий ҳаёт маркази Сан-Паулуга кўчди. Кейинроқ буларга каучук, какао шовшуви қўшилди. Шу тариқа Бразилиянинг жаҳон бозорида ихтисослашуви бир неча аср давомида ўзгариб турди. Аслида аксарият Лотин Америкаси мамлакатларининг саноати хом ашёни қайта ишлашга ихтисослашган. Иқтисоддан озгина бўлса-да хабардор ўқувчига маълумки, хом ашёни қайта ишлайдиган саноат билан Германия ёки Япония тараққиёти даражасига етишни фақат орзу қилиш мумкин. Чунки ҳаёт қонунияти шундай — табиий ресурсни, масалан, пахтани етиштириб, хом ашё шаклида экспорт қиладиган давлатдан кўра уни қайта ишлаб, тайёр саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган давлат кўпроқ, салмоқлироқ даромад кўради. Бразилия ҳам яқин-яқингача табиий хом ашё экспортига таянган эди. Бугунга келиб эса, мамлакатда нафақат анъанавий соҳалар, балки микроэлектроника, аэрокосмик саноат, кемасозлик, самолётсозлик каби янги саноат тармоқлари ҳам ривожланиб бормоқда. Ҳатто XX аср бошида ҳам аграр давлатлардан бири саналган Бразилия ҳозирги вақтда саноат маҳсулотлари ҳажми бўйича дунё мамлакатлари ўнлигидан муқим ўрин олган. Мини ва микрокомпьютерлар ишлаб чиқариш бўйича у фақат АҚШ, Япония ва ГФРдан кейинда туради. Мамлакатда, шунингдек, йирик ҳарбий саноат ҳам барпо этилган, дунёдаги энг катта ГЭСлар қурилган.



Бразилия региондаги саноқли давлатлар қаторида ўз автомобилсозлик саноатига эга. Бу ерда йилига 1 миллиондан ортиқ автомобиль ишлаб чиқарилади. Энг асосийси, бу автомобиллар маҳаллий шарт-шароитга мослаштирилган: улар шакарқамишдан олинадиган этил спирти билан ишлайди.

Бразилия саноатининг "қон томирлари" Рио-де-Жанейро, Сан-Паулу ва Белу-Оризонти шаҳарларидан ўтади. Бу шаҳарлар мамлакат "индустриал учбурчаги"ни ҳосил қилади. Учбурчакнинг ҳар бир бурчаги ўз ихтисоси, ўз қиёфасига эга ва уларнинг ҳар бири иқтисодий ўсишда ҳал қилувчи ўрин тутади. Мисол учун, Сан-Паулу шаҳрини олайлик. Бу Бразилиянинг энг йирик шаҳри ва иқтисодий пойтахтидир. У XIX аср ўрталарига қадар чоғроққина шаҳарча эди. Сан-Паулу кофе шов-шувлари ва Европа, Япониядан иммигрант аҳолининг оммавий равишда кўчиб келиши натижасида жуда тез ривожланиб кетди. Шаҳар бора-бора нафақат Бразилия, балки бутун Лотин Америкасининг бош саноати тугунига айланди. Осмонўпар бинолар шаҳри бўлган Сан-Паулу (уни айни шу сабаб "Лотин Америкаси Нью-Йорки" деб ҳам аташади) Бразилия иқтисодий тараққиёти рамзи саналади. Чунки жуда тор ва кўримсиз кўчалардан ташкил топган шаҳарча оз фурсат ичида улкан агломерацияга айланди.

Бразилия барқарор иқтисодий ривожланишда давом этаётган бўлса-да, бу ерда ҳал қилиниши зарур бир қатор ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳам мавжуд. Биринчиси — демографик муаммо. Мамлакат аҳолиси, маълумотларга қараганда, йилига 3 миллион кишига ўсмоқда. Бу бир жиҳатдан меҳнат ресурслари кўпайишига сабаб бўлса, бошқа жиҳатдан аҳолини иш, уй-жой, озиқ-овқат билан таъминлаш каби жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, табиий ўсишнинг ошиши ялпи миллий маҳсулот кўрсаткичларини ҳам кескин тушириб юбормоқда. Масалан, 1999 йили Бразилия ЯММи аҳоли жон бошига 4350 АҚШ долларини ташкил қилган. Албатта, бу ёмон кўрсаткич эмас. Лекин ишлаб чиқариш ҳали юқори даражага етмаган, минтақанинг ўртамиёна давлати Чилида ҳам бу рақамлар 8410 долларни ташкил қилади. Мазкур номутаносибликнинг келиб чиқишига аҳолининг нотекис жойлашганини сабаб қилиб келтириш мумкин. Эни 300 км.ли океан бўйи ҳудудида Бразилия аҳолиси ва ишлаб чиқаришнинг ўндан тўққиз қисми (!) тўпланган. Ички қисмлар эса кам ўзлаштирилган ва уларда аҳоли ҳам сийрак.

1970-йилларда Амазония водийси (яшил ўлка улкан миқдордаги кислород манбаи ҳисобланади, шу сабабли Амазония "дунё ўпкаси" деб аталади) ўзлаштирилиб, автомобиль ва темир йўллар, тоғ-кон саноати корхоналари, қишлоқлар, ГЭСлар қурила бошланди. Бироқ Амазонияни ўзлаштириш бетартиб олиб борилгани экологик мувозанатнинг бузилишига сабаб бўлди, яшил водийни ҳалокат ёқасига келтириб қўйди...

Бразилия афсоналарида туб жой аҳоли томонидан қадим замонлардаёқ кўп қаватли уйлар қурилгани айтилади. Бу афсона қай даражада тарих ҳақиқатига мос келади — билмадик. Лекин, шуниси аниққи, XX асрда бразилияликлар аждодлари орзу қилган сон-саноқсиз осмонўпар биноларни бунёд қилишди. Ана шу бинолар сиймосида бразиллар 300 йил интиқлик билан кутган мустақил давлат ҳам барпо этилди.

**Собиржон ЁҚУБОВ**

## 5 июнь — Умумжаҳон табиатни муҳофаза қилиш куни

# ДАРД НЕ ЭКАНИН КАСАЛДАН СЎРА...

Гап тоза сув муаммоси ҳақида кетса, бир туркиялик меҳмон билан бўлган воқеа эсимга тушади. Ёз кунларининг бирида бозор-ўчар қилиб келдик. Шеригим тарвузни совутиш учун краннинг остига қўйиб, сувни оқизиб қўйди. Орадан 5-10 дақиқа ўтиб, унинг: "Сувни ким беркитди", деган овози эшитилди. Туркиялик меҳмон: "Мен беркитдим", деб жавоб берди. Шеригим: "Нега беркитдингиз, мен тарвузни совутгани қўювдим", деди. Шунда меҳмон ҳайратдан кўзларини катта-катта очиб: "Ие, битта тарвузни совутиш учун шунча ичимлик суви исроф қилинадими, ахир музлаткичга қўйиб совутиш мумкин-ку?!" дегани ҳалигача қулоқларим остида жаранглаб туради.

Ҳадиси Шарифда "дарё бўйида турган бўлсанг ҳам сувдан керагини олиб ишлат" деган нақл бежиз ёзилмаган. "Сув – олтиндан азиз", "Сувни ич, чашмани булғатма", "Сув ичадиган қудуғингга тупурма" деган нақллар остида олам-олам маъно бор. Хорижий давлатларда водопровод жўмракларига сув сарфини ҳисоблагичлар ўрнатилган. Етарли бўлишига қарамай, чет элларда ҳатто электр энергиясини ҳам тежаб ишлатишади. Кўп қаватли биноларга қоронғида кирсангиз, аввало йўлакдаги чироқни ёқасиз. Чироқ роппа-роса иккинчи қаватдаги чироқни ёқадиган жойга етиб келгунингизча ёниб, кейин автоматик тарзда ўчади.

Худога шукр, Тошкентда жўмраклардан сув оқиши тўхтамайди. Сувнинг баҳоси ҳам нисбатан олиб қараганда жуда арзон. Балки шунинг учундир, деярли ҳаммамиз уни керагидан кўп ишлатамиз. Энг оддий мисол: эрталаб кўпчилик эркаклар соқол олаётиб, иссиқ ва совуқ сув жўмрагини очиб қўйишади. Натижада, камида беш литр сув (!) беҳудага исроф бўлади. Шунинг ўрнига, стаканга 200 грамм сув қуйиб ишлатиш мумкин-ку! Хизмат юзасидан Қарши шаҳрига бир неча марта бориб келдим. Шаҳар марказидаги мен турган хонадонда сув эрталаб ва кечқурун ярим соатдан берилади, холос. Хонадон эгалари сувни челакларга тўлдириб олиб ишлатишади. Сув етарли бўлган шаҳарлар аҳолисига сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш борасида сабоқ бериш учун уларни бир неча кун сувсиз қолдириш ҳақидаги таклифга нима дейсиз? Ёз кунларида сув етишмаслиги турли юқумли касалликларни келтириб чиқаришини билган ҳолда сувни исроф қилишда олға қадам ташлайверамизми?

"Сув ичадиган қудуғингга тупурма" деган нақл бор. Аҳли Тошкент сувни Чирчиқдан ичади. Ҳар йили ёз келиши билан шаҳар марказидан оқиб ўтадиган Анҳор атрофи дам олувчилар билан гавжум бўлади. Улар ўзлари билан олиб келган тарвуз-қовунларни еб, пўчоғини сувга отишади, сув юзи бўшаган шиша ва "баклажка"ларга тўлиб кетади. Шаҳар ҳокимияти Анҳор атрофига ахлат ташлайдиган идишларни ўрнатиб, уларни вақтида тозалаб туришни йўлга қўйиши, сувни ифлос қилмаслик ҳақидаги лавҳалар ўрнатиши мумкин-ку!? Бундан 3-4 йил аввал бу таклиф "Ҳуқуқ ва бурч" кўрсатуви орқали янграганди. Афсуски, аҳвол ўзгармади. Турли анжуманларга йиғилиб, сув муаммолари ҳақида гапираверган билан аҳвол ўзгармайди. Аввало, инсонларнинг сувга нисбатан муносабатини тубдан ўзгартириш зарур. Қуруқ, баландпарвоз гапларнинг ўрнига амалий иш қилиш керак. Ахир, юзта сиз-биздан битта жиз-биз яхши эканлиги исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқат-ку!?



"Сув ўжар, инсон ундан ҳам ўжар". Собиқ шўролар даврида "биз табиатни инсон измига бўйсундирамиз" деган шиор байроқ қилиб олинганди. Она-табиатда ҳамма нарса ҳисобли эканлигини тарихий қисқа давр ичида ҳаётнинг ўзи исботлади. Сувдан оқилона фойдаланмаслик оқибатида каттагина денгизнинг бошини едик! Оролнинг насибасини қирқиб, йирик-йирик сунъий кўллар юзага келтирилди. Натижада, Ўрта Осиёдаги асосий сув манбалари – Амударё ва Сирдарё сувларининг асосий қисми дала ишларига сарфланиб, Орол денгизига етиб бормаяпти. Айниқса, сувнинг исроф қилиб сарфланишига нима дейсиз!? Сув танқис бўлган минтақаларда фермерлар ва ҳокимият органлари вакиллари ўртасида сув билан боғлиқ ихтилофлар кучаймоқда. Хабарларга кўра, қўшни мамлакат президенти Туркманистон чўлларида янги сунъий денгиз яратиш иштиёқида эмиш.

Сув ва ичимлик суви муаммолари шу даражада чигаллашиб кетганки, уларни халқаро ташкилотларнинг кўмагисиз ечолмайдиганга ўхшаймиз. АҚШнинг ЮСАИД (USAID) агентлиги Марказий Осиёдаги табиий ресурсларни бошқаришни такомиллаштириш бўйича алоҳида дастурни амалга оширмоқда. Агентлик Қорақалпоғистондаги ичимлик суви сифатини яхшилаш, Зарафшон ва Сурхондарё минтақаларида сувдан фойдаланишни такомиллаштириш, Сирдарё ва Амударё учун лойиҳалар ишлаб чиқариш билан бир қаторда сувдан фойдаланувчилар ассоциацияси фаолиятига кўмаклашмоқда.

Ҳисоб-китобларга қараганда, Марказий Осиёда сув, айниқса, ичимлик суви муаммоси йилдан-йилга кучайиб бораверади. 1970-80-йилларда Сибир дарёлари сувининг бир қисмини минтақамизга олиб келиш лойиҳаси ишлаб чиқилган, бироқ айрим олим ва сиёсатчилар мазкур лойиҳа амалга оширишига тўсқинлик қилишганди. Ўтган йилдан бошлаб ушбу масала яна кун тартибига келтирилди. Нефтга ўхшаб, сув ҳам яхшигина валюта манбаи бўлибгина қолмасдан, балки сиёсий мақсадларга хизмат қилиши мумкинлигини англаган Москва шаҳрининг мэри Юрий Лужков Марказий Осиё ва Қозоғистонга Сибир дарёлари сувини сотиш ғоясини ҳимоя қилиб чиқмоқда. Тарихдан маълумки, ёв бостириб келганида аҳоли ўз тупроқларини сўнгги томчи қони қолгунча ҳимоя қилган. Бироқ шаҳарга борувчи сув йўллари тўсиб қўйилганда ташналик оқибатида энг кучли қалъалар ҳам таслим бўлган!

Сув тақчил бўлган ривожланган давлатларда далалардаги экинлар ёмғирлатиб ва томчилатиб суғориш усулида суғорилади. Айниқса, бу борада исроилликлар илгарилаб кетишган. Далаларга пластмасса қувурлар тортилиб, ҳар бир ниҳол тагига томчилатиб сув қуйилади. Айтишларича, бундай усул билан сув сарфи 60 фоиздан 70 фоизгача камаяр экан! Айнан шу миқдордаги сув ҳар йили Оролга етиб бормаётганини ҳисобга олсак, сувдан нақадар жоҳилларча фойдаланаётганимиз маълум бўлади-қолади! Бизда ҳам томчилатиб суғориш усулини жорий қилиш мавриди аллақачон етган. Бироқ буларнинг ҳаммаси жуда катта миқдорда маблағ талаб қилади.

Дунёдаги чучук сув захиралари барча сувларнинг атиги етти фоизини ташкил қилади, холос...

Пойтахтимиз кўчаларидаги фаровон ҳаётни мадҳ этувчи катта-катта реклама лавҳаларини кўрганимда, "шунинг ўрнига сувдан оқилона ва тежаб фойдаланиш ҳақидаги ижтимоий реклама қўйилса, яна-да фойдалироқ бўлармиди" деган фикр хаёлимдан ўтади. Яна билмадим, сиёсат билан ўйнашиб бўлмайди...

**Бахтиёр ШОҲНАЗАРОВ**

# АЗОН ҚОБИҒИ ЁРИЛДИ

## *навбат... тошбақа тухумига*

Бугун чархпалак росманасига тескари айланяпти: бундан 30-40 йил аввал қақроқ майдонга пахта ёки буғдой экиб қўйган деҳқон осмонда кўринган бир парча булутга зорланиб, о-озгина бўлсаям ёмғир ёғишини ҳафталаб кутарди. Энди бўлса, ёғингарчиликнинг ҳаддан зиёд ортиб кетганидан, гармселнинг ҳадеганда "оёққа тураверишидан шикоят қилади. Ёға бошлаганига уч кун бўлган, яна шунча вақт давом этадиган ёмғирни кўриб, бобо деҳқоннинг кўнглида хавотир: "Пахтани қайтадан экаман шекилли, қурғур".

Бундан 30-40 йил аввал марказий газеталарнинг биринчи саҳифаси қўлида янги туғилган қўзичоқни меҳр билан кўтариб турган чўпоннинг катта сурати билан безатилар эди. Ўша вақтлар қоракўл терилари олтиндан ҳам қимматлироқ, айни шу маҳсулотдан тайёрланган пўстин ёки шунга ўхшаш кийим кийган Европа аёллари турли базму жамшидларнинг гули ҳисобланарди. Эрта баҳорда яйловга ҳайдалган беш минг қўй кеч кузда ўн минг бўлиб қайтарди. Энди бўлса, туғилганига икки ҳафтадан ошган-у, ҳалигача ётса туролмайдиган, турса ётолмайдиган қўзини қўлига олган чўпон ўзича чамалайди: "Сени қара-ю, бу аҳволда колхознинг гўшт планини қачон топшираман-у, хотиним сенин жунингдан қанақа ип йигираркин?"

Айрим жонкуярлар томонидан ташкил қилинган анжуманларда табиат, уни асраб-авайлаш, керак бўлса, кўз қорачиғидай эъзозлаш лозимлиги соатлаб гапирилади-ю, иштирокчиларнинг парвойи палак. Айтаверишади-да улар, дея бир туп кўчат экмай туриб, кўзни чирт юмган ҳолда ўнтасининг тагига болта уришади.

Телевизор ёки радио мурватини бурашингиз билан сиёсий шарҳловчи гап бошлайди:" Кеча Австралиянинг фалон штатидаги ўрмонзорда катта ёнғин содир бўлиши оқибатида мановунча майдондаги дарахтлар куйиб, кулга айланган". Ёки, "Ўтган ҳафтада Африканинг писмадон регионида қаттиқ сув тошқини бўлиб ўтди. Натижада минглаб аҳоли хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилинган". Ўша шарҳловчи ўз фикри ниҳоясида бу офатларга "табиатнинг инжиқлиги"-ни сабаб қилиб кўрсатишни ҳам эсидан чиқармайди. Ие, тўхта-чи, нима учун табиат бундай инжиқ бўлиб қолди? Нимага энди айнан Африкада — ҳарорат 60-70 даражага кўтариладиган экваторда сув тошқини бўлади, дея бошини қашлайдиган одамнинг ўзи йўқ.

Бугун денгиз-у океанларнинг бир неча минглаб километр сатҳини нефть лойқалари эгаллаган. Охир-оқибат тонна-тонна сувости жонзотларига қирон келтирилмоқда. Уларнинг баъзилари Инсон ўйлаб топган буюк эсталик — "Қизил китоб"га ҳам киритиб қўйилган.

Турли саноат, ишлаб чиқариш корхоналарининг осмонўпар мўриларидан осмону фалакка ўрлаётган заҳарли газлар аллақачон атмосферанинг азон қобиғини ўртамиёна шаҳар катталигида ёриб улгурган. Қуёшнинг инсон саломатлигига салбий таъсир этадиган инфрақизил деб аталувчи нурларини ўзида тутиб қолувчи бу ҳимоя қатламининг дарз кетиши келиб-келиб Антарктида музликлари осмонида содир бўлгани-чи... Ўзини ўзи қуритаётган инсон булар билан кифояланмай, энди тошбақанинг тухумини қуритишга ўтибди. (Бу ҳақда "Ҳуррият"нинг аввалги сонларида ўқиб қолдим).

Сиз нима десангиз деяверинг-ку, бугун чархпалак гўё тескари айланаётгандек. Ишқилиб...

**Акмал ФАРЗИДДИНОВ,**
**Тошкет Молия институти талабаси**

## Изҳор

# МИЛЛИАРДЕР МУХБИР



Ҳабибулла Абдулмажид ҳақида мақола ёзаётиб, сарлавҳа ҳақида ўйлаганимда хаёлимга келган илк фикр шу бўлди — "Миллиардер мухбир!" Ҳар ҳолда "Эврика!" деб юбормаган бўлсам ҳам, ярим мақола (сарлавҳа — ярим мақола-да!)ни пишитиб қўйганимдан юзим ёришиб кетди. Муҳтарам ўқувчи, ҳайтовур, бизнинг фикримиздан пешонангизни тириштирмай қўя қолинг, "Миллионер мухбир фақатгина хорижда яшайди, ҳемирилик маоши билан ватандош мухбирлар миллионер бўлиш тугул, умр бўйи косаси оқармай ўтади", десангиз, қаттиқ янглишасиз. Ҳамкасбларимиз орасида миллионерлар бисёр, юқори мақому матлабга муносиблари эса ундан-да кўп, гап уларни кўра билишда, қўллаб-қувватлашда...

Ҳабибулла ака арзанда мухбир. Арзандалигига сабаб у икки касбнинг бошини тутган: ҳисобчи-журналист. Ҳисобчи бўлгандаям бир сўмни қаттиқ тутиб, жойига сарфлайдиган, бошқаларни ҳам шунга даъват этадиган ҳисобчи. У киши бир неча йил Ўзбекистон телерадиокомпаниясида, турли-туман газета таҳририятларида меҳнат қилган, кинофильмларни яратиш жараёнида ҳисоб-китобни юритиш ишига бош бўлган. Қаерда ишламасин, Ҳабибулла ака ижодкорлардан, ижоддан узоқлашмаганлар.

Қаҳрамонимизнинг яна бир ўзига хос ноёб жиҳати шундаки, у бир соатда бўладиган ишни аччиқ чойни дамлаб, куни бўйи бемалол чўзишини ёмон кўради, арзимас ишни галга солиб, орқага сурганларниям жини суймайди. Қисқаси, Худо берган умрни ғанимат билади, бир тутам вақтдан нақд самара ундириш пайида бўлади. Гоҳ у ишига, гоҳ бу ишига, бир ора учинчисига шошади, фурсат бўлди дегунча қоғоз қоралайди, чирсиллаб турган муаммолар тўғрисида "ишкал" мақолалар ёзади, кўрган-билган муаммолари ечимини излаб топишга астойдил киришади. Гап келиб қолди, аксари ҳамкасбларимиз орасида ўзининг зиммасидаги бевосита вазифасига қўл учида муносабатда бўлиш кайфияти кучайганга ўхшади, назаримда. Айниқса, ёшларнинг, ҳали касб-корда малака тўпламай туриб, бундай касалга йўлиқиши анчагина хавотирли. Ҳабибулла аканинг катта-кичик юмушга астойдил бел боғлаши, қўл урган ишини охирига етказмагунча ҳаловатдан воз кечиши шу маънода ғоятда ибратлидир.

Ана шу елиб-югуришлари ҳосиласи ўлароқ унинг "Исмингиз нима, биродар?" ("Ҳуррият", 2000 йил 12 январ), "Уй "операция"си ёки ғалвани пулга сотиб олиш" ("Ҳуррият", 2000 йил 23 феврал) "Такомиллашаётган солиқ" ("Ҳуррият", 2000 йил 13 декабр) сингари бақувват мақолалари матбуот юзини кўрди. Уларда кишиларнинг омонати эвазига сифатсиз уй қуриб бераётган банк ғирромликларидан тортиб, паспорт ва бошқа ҳужжатларидаги исм-фамилияларининг хатолигича қолаётганига бефарқ, лоақал ундан ор қилишни-да унутиб қўйган кишиларга ачиниш, солиқ тизимининг номукаммалликларини бартараф этишгача бир-бир таҳлилдан ўтказилган, муаммоларни одилона ва оқилона ҳал қилиш йўл-йўриқлари кўрсатиб берилган.

У киши ҳатто, оддий, арзимас бўлиб туюлган масалаларни ҳам ҳафсала билан мутбуотда кўтариб, кўпчиликнинг диққатини қаратади. Унинг "Ҳуррият" газетаси саҳифаларида эълон қилинган "Маматкино" ҳангомалари" (истеъдодли киноактёр Муҳаммаджон Олимов хотираларидан), "Давлат тилига лоқайдлар "ҳурмат тахтаси" каби рукнларида доимий равишда бериб борилган қизиқирли ҳангома, луқма ва ҳажвиялари кўпчиликнинг эътиборни қозонган.

Ҳабибулла ака 50 ёшга тўлдилар. Бир неча таҳририятларнинг ҳисоб-китоб борасидаги машаққатини енгиллатаётган, минглаб мухбир, журналист-у муаллифларнинг маош ва қалам ҳақларини биттама-битта ҳисоб-китоб қилган одам бир неча ўн йилдан буён миллиардлардан ҳам ошиқроқ ақчани чўтдан ўтказганига шубҳа қилмасангиз керак. Энди инсоф билан айтинг, шунча ижодкорга қалам ҳақига қўшиб меҳрини улашган Ҳабибулла ака миллиардер бўлмай ким бўлсин?! Энди тушунгандирсиз, у кишини нега миллиардер мухбир деганимга?

Ҳабибулла ака, ҳаётни доимо тўкис, нуқсонлардан холи кўриш истаги — жонсараклик сизни ҳеч қачон тарк этмасин. Оилангизга бош бўлиб, ҳам ижодни, ҳам ҳисобни қойиллатиб юраверинг! Сизга кўплаб қадрдон ижодкор ҳамкасблар номидан энг эзгу тилакларни билдириб,

**Нур АСЛОН**

## Ажабо!

Даврон Ражаб Хоразм воҳасининг анчамунча танилган шоирларидан. Шоирнинг 1995 йил "Хоразм" нашриётида "Бир томчи юлдуз" номли китоби ҳам нашр этилган. Шоир айни пайтда Олий адабиёт курсида тингловчи.

### "ЗАЛОГ"ГА - "ҲУРРИЯТ"

Тиниб-тинчимаган Даврон Ражаб бундан ташқари ажойиб безакчи-рассом ҳамки, рўзғорни асосан шу ҳунардан топаётган даромад билан тебратади. Нуфузли идоралардан бирини бир ҳафта давомида безаб, ишини тугатгач, идора раҳбари "эрта, индин" деб шоирни роса қийнайди. Шоир бу бордикелдига чек қўйиш мақсадида ҳеч иккиланмасдан "Ҳуррият" газетасининг тахламини елкага қўйиб:

— Ёшулли, шу билан "расчёт"миз, — деганича уйига олиб кетади.

Ўша идорага керакмасми, "Ҳуррият" ҳали ҳам Даврон Ражабнинг уйида турган эмиш.

**Камолиддин МИНГБОЕВ**

## Фан

# "Паблик Рилейшнз" Ўзбекистонда

Бугунга келиб генетика, кибернетика каби тараққиёт эпкинлари билан йўғрилган фанлар инсоният ҳаётининг асосини ташкил этаётгани, маълум маънода, эртанги кунимизни белгилаб бераётгани кишида шубҳа уйғотмай қўйди. Бироқ тобора ахборот глобаллашувига эришиш йўлида тинимсиз интилаётган ҳозирги жамиятимизнинг янада демократиялашувида, фуқароларнинг ҳуқуқий онги юксалишида муҳим аҳамият касб этувчи яна бир фан борки, уни ҳам юқорида тилга олинган соҳалар қаторига ҳеч иккиланишсиз киритиш мумкин. Бу — Паблик Рилейшнз (яна ҳам тушунарлиси — жамоат билан ишлаш)дир.

Океанорти ҳамда кўпгина ривожланган Европа давлатларида мазкур соҳанинг назарий тушунчалари XIX асрнинг 20-йилларида шаклланган бўлса, янги мингйилликда унинг имкониятларидан амалиётда кенг фойдаланилмоқда. Бу давлатларда бирорта давлат ёки нодавлат ташкилоти йўқки, унинг қошида жамоат билан алоқа қилувчи бўлим ташкил қилинмаган бўлса. Ҳатто, хусусий концернлар, сиёсий партиялар, турли клублару қурилиш трестларида ҳам ана шундай бўлим фаолият юритади.

XX асрнинг ўттизинчи йиллари, айниқса, Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ғарб олимларида бу фанга бўлган қизиқиш кескин ортди. Улар ПРнинг ишчи ходимлар, фуқаролар, хуллас, кенг омма билан алоқа ўрнатишда, уларнинг фикр-мулоҳазаларини, қарашларини ўрганишда нечоғли аҳамиятли эканини исботлаб бердилар. Ўз навбатида ҳукумат раҳбарлари ҳам бу фанга рўйхуш кўрсатдилар ва натижада ҳар қандай муассаса таркибида ПР шаклланa бошлади. Мухолифатдаги икки гуруҳ ёки табақанинг ўзаро келишмовчиликларини бартараф этишга ҳамда бир-бирларини англаб етишга хизмат қилувчи бу тизимнинг аниқ-тиниқ иш олиб бориши учун турли касб эгалари, мутахассислар (асосан, журналист, руҳшунос ва нотиқлар) жалб этилди.

1948 йилнинг февралида Қўшма Штатларда ташкил этилган, 1987 йилга келиб қайта ислоҳ қилинган Паблик Рилейшнз институти ўз фаолиятини қуйидагича белгилайди: "Паблик Рилейшнз тизими ташкилотлар ва уларнинг жамоатчилик орасидаги ўзаро ҳурматга асосланган, режалаштирилган ва бирмунча куч талаб этадиган муносабатларни тиклаш ва қўллаб-қувватлашдир".

Бу йўналишни бир неча йиллар давомида ўрганган, кўпгина илмий изланишлар олиб борган доктор Хорлоу Рэкс эса бундай таъриф беради: "ПР бошқаришнинг махсус тури бўлиб, у ташкилот ва унинг атрофидагилари билан ҳамкорлиги, тушуниши ва мулоқотнинг умумий тамойилларини ўрганади".

XX асрнинг охирига келиб, ПРнинг кўлами шу даражада кенгайиб кетдики, кўпгина демократия тамойилларига асосланган давлатлар ўз келажакларини бу соҳасиз тасаввурларига ҳам сиғдира олмасликларини айтиб, бутун дунёга жар сола бошладилар.

Мустақилликка эришилгач, Ўзбекистонда ҳам ПРнинг дастлабки куртаклари кўрина бошлади: аста-секинлик билан бўлса-да, баъзи ташкилот ва йирик муассасаларда жамоатчилик фикрини ўрганувчи ҳамда уларни юқори орган вакилларига етказувчи тизим шаклланиб борди. 2000 йилдан бошлаб эса мамлакатимиздаги Журналистика факультетларида махсус фан сифатида ўрганилмоқда. Қ. Ирназаров, Ф. Мўминов, Н. Ғаффоров, Е. Маматова, Б. Дўстқораев каби ўзбек журналистикасининг бугунги кундаги энг кўзга кўринган олимлари бу борада анчайин эътибор ҳамда эътирофга лойиқ ишларни амалга ошириб улгуришган.

**Шерзод МУҲАММАДИЕВ,**
**ЎзМУ Журналистика факультети дипломанти**

Мулоҳаза

"Ҳуррият" газетаси ўз муштарийларини китобхонликка даъват қилиб, жуда савобли ишни бажараяпти. Унинг деярли ҳар бир сонида илм-маърифатни тарғиб қилувчи мақола, ривоят ёки ҳикоят бўладики, бу билан севимли нашримиз миллий истиқлол олдидаги бурчини аъло даражада адо этаяпти. Зеро, биз ҳурриятни, мустақилликни фақат ўқиб-ўрганиш орқали ҳис эта оламиз. Айниқса, газетанинг мактаб кутубхоналарини оталиққа олиб, бу борадаги аҳволни муттасил ёритиб боришга киришгани қувончли воқеа бўлди. Шу мавзуда Шўрчи туманидаги 43-мактаб ва сирдарёлик журналистларнинг ташаббуси ҳақида мақолалар берилди. Ҳақиқатан, мактаб кутубхоналари эътибор талаб қиладиган даргоҳ.

# НАЖОТ — МАЪРИФАТДА

Хўш, ёшлар (айниқса, мактаб ўқувчиларининг) қўлига тутқаза оладиган қандай асарларимиз бор?!

Биз бугун маънавият ва мактаб ёки миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдириш, иммунитет ва профилактика ҳақида соатлаб гапираяпмиз. Ўқитиш муаммолари ҳақида қайғуряпмиз, лекин буларнинг негизи, ўчоғи қаер эканлигини унутиб қўяётганга ўхшаймиз. Менимча, ўқувчиларнинг китобдан кетиши, яъни илмга интилмаётганлиги зиё маскани аталмиш кутубхоналарнинг бугунги ҳаётига эътиборсизлик оқибатида эмасмикин? Бола мактабга қадам қўяр экан, китоблар оламига сайр этишни қандайдир ич-ичидан ҳавас билан ўйлаб қолган бўлса, ажаб эмас. Шунда устоз етаклаб болани кутубхонага олиб киради.

Бу китоблар шинам, кенг ва ёруғ, бадиий адабиётларга тўла бўлган жавонлар ўз ўқувчисига кенг бағрини очиб, ўқишга чорласа! Ана шунда биз мақсадимизга етишган бўлар эдик.

Қаровсиз қолган китоблар бугун ўқувчиларимизни зериктириб, ихлосини қайтариб қўймаётганмикин! Нега 7-синф ўқувчисининг кутубхонадан лотин ёзувидаги бадиий асарларни олиб ўқишга имкони йўқ? Кутубхоналар дарсликлар билан чегараланиб қолмоқда, бадиий асарлар олишга эса ортиқча маблағ йўқ. Болалар қўлига тутқаза оладиган савиядаги китоблар аксари лотин ёзувига ўгирилмаган.

Биз малака оширишга келган кутубхоначилар гуруҳи билан шаҳримизнинг кўплаб мактаб кутубхоналарида бўлдик. Уларнинг ишлари билан танишар эканмиз, кутубхоначиларнинг иши камситилаётганлиги, уларнинг меҳнатига эътиборнинг йўқлигини сездим. Уларнинг олаётган маошлари анча кам, ҳатто ўқитувчиларга байрамларда рағбатлантириш берилганда кутубхоначилар эсланмас экан. Ана шундай шароитда ҳам кўплаб мактаб кутубхоначилари ўз касбининг фидойиси бўлиб ишламоқдалар. Улар заҳматлари эвазига кутубхоналарни давр талабига жавоб бера оладиган тарзда жиҳозлашга интилмоқдалар. Китоб марафонларини ўтказиб, янги адабиётлар билан жавонларни бойитиб бормоқдалар.

Юнусобод туманидаги 63-(Васила Расулова), Бектемир туманидаги 193-(Умринисa Юнусхўжаева) мактаб кутубхоналарида бўлганимда, шинам жавонлардаги янги-янги асарларни кўриб кўзим қувонди. Булар ҳаммаси кутубхоначининг ўз ишига бўлган меҳирлиги самарасидир. Юнусобод туманидаги 239-(Наима Коконбоева), Акмал Икромов туманидаги 14-(М. Дўстмуҳамедова), Шайхонтоҳур туманидаги 320-(Дилором Абдуллаева) мактаб кутубхоналари ҳам ана шундай замонавий тарзда иш олиб бораётган зиё масканларидир.

Комил инсонни тарбиялаш, миллий истиқлол мафкурасининг бош тамойилларидан бири экан, ана шу тарбиянинг ўчоғи сифатида кутубхоналарнинг ўрни беқиёсдир.

**Собира ЖЎРАЕВА,**
**ТШПҲТМОИ Ижтимоий фанлар ва маънавият асослари кафедраси катта ўқитувчиси**

Мутолаа



# «ҲАЛИ ЎЗБЕКНИНГ БИР ҲАЙҚИРИШИ БОР...»

***— Шу, Омон ака ҳақиқатан катта шоир-да, нима дейсиз? — деди растада китобларни кўздан кечираётган ёшлардан бири.***

— Мен кўпроқ насрни яхши кўраман, лекин Омон аканинг ижтимоий руҳдаги шеърларини ўқиганимда, бу киши прозада ёзсалар, янада катта масалаларни кўтарган бўлармидилар, деб ўйлаб қоламан. Ҳақиқатда кучли ижодкор...

Ёшлар ўзаро суҳбатлашган кўйи растадан узоқлашдилар. Мен уларнинг орқаларидан меҳр ва ҳавас билан қараб қолдим. Дарҳақиқат, бизнинг кунларда китоб дўконларига кирувчилар ҳар хил кийим-кечак, идиш-товоқ... дўконларига кирувчиларга қараганда кескин камайиб бораётганлиги ҳақдаги хавотирлар кўпгина зиёлилар қатори мени ҳам бефарқ қолдирмагани учунми, растадаги суҳбатга хаёлан қўшилиб, ўзимча давом этардим. Чунки биз — ўрта авлод севимли шоиримизни эсимизни таниганимиздан бери биламиз. Бугунги ёшлар ҳар хил кўнгилочар ўйинларга ишқибоздек кўринсалар-да, барибир улар орасида мустақил қарашлари, умумжаҳон андозаларига мос интилишлари билан аллақачон келажагининг мустаҳкам асосини қуриб улгурган ёшлар ҳам кўплигини эътироф этмай бўлмайди.

Ҳар ишга бир сабаб дегандай, шу ондан бошлаб қўлим ишда-ю, фикри ёдим билан Омон ака шеъриятининг гоҳ ипакдек майин, гоҳ Фарҳоднинг гурзисидек залворли сатрлари аро ҳайрат дунёсига шўнғийман. Талабалик йилларида бир буюк шоир келажагидан хабар берган "Очиқ деразалар", "Карвон қўнғироғи", "Қуёш соати", кейинчалик Омон акани миллат руҳининг юксак минбарига кўтарган "Ёнаётган дарахт", "Ярадор чақмоқ", "Ҳаққуш қичқириғи", "Сени яхши кўраман", "Дарахтлар ва гиёҳлар", "Гаплашадиган вақтлар" ва бошқа китобларини биринчилар қатори ўқиганларим ва бошқаларга ҳам илинганларим, қувончларим, ғурурларим ҳозирги ҳолатимни чақмоқдек ёритиб ўтди ва хотирнинг 1987 йил манзилида бир зум тўхтадим...

1987 йилда хизмат сафари билан Тўрткўлга борганимда сўзнинг қудрати, шоирнинг азамати одамларнинг қисмати эканлигини амалда кўрдим. Бўғзимга лоп-лоп урилган бир ички асллик ушбуларни такрорларди: "... Қайси халқки, Ҳурликка интилибди, демак, уларни Аллоҳ аввало Шоирдан ёрлақабди. Қайси халқки, қулликда яшар экан, Аллоҳ уларни яхши шоирдан қисгандир. Бундай халқлар тинимсиз илтижо қилсинлар, Ҳурликдан аввал ўзларига ҳақиқий Шоир сўрасинлар..."

"Одамлар шеърни тушунавермайдилар" деганлар ёлғонларни айтибдилар. Омон аканинг миллат туйғуси билан йўғрилган сатрлари, айниқса, "Турғунлик йиллари" достони ҳали пойтахтдагилар ўқиб улгурмасларидан туриб, Тўрткўлдек бир жойда тилларда достон бўлган, қанча кишилар бунинг учун тегишли жойларда жавоб бераётган кунларда бир ёш оила — эр-хотин ашаддий мухлис шоирнинг ўз овози ёзилган аудио кассетани эшитишади. Иқрор, мурожаат, муножот руҳидаги бу достон ўзига хос қудратли жаранглар, гўё еру кўк гумбурлаб, ҳали замон борлиқ, одамлар асрий карахтликдан бир силкиниб озод бўлганларича қандайдир самовий юксакликларга кўтарилиб кетадигандек тасаввур қолдиради. Уй бекаси қаттиқ таъсирланганидан шеърни ёдлаб олиш учун битта-битталаб дафтарга кўчиради...

— Ўн икки варақлик бир дафтар тўлди, — деб ҳикоя қилади Гулихон шеърият ҳақидаги суҳбатларнинг бирида ўша унутилмас кунни яна бошидан эслаб, — ишхонамда, бўш вақтимда ўқийман деб сумкамга солиб қўйдим. Эртаси "Ягона сиёсий кун" эди. Туман бирлашган касалхонаси катта зали одамлар билан тўлган. Пропагандист яхши тайёрланмаган эканми, маъруза бир пасда тугади.

Раис одамларни ҳар қанча суҳбатга тортмасин, ҳар ким ўз хаёли билан банд эди. Шунда мен ўрнимдан туриб: "Шеър ўқиш мумкинми?" деб сўрадим.

Раис бир зум ҳайрон турди-да, залнинг жонланиб қолганини кўриб: "Майли, ўқинг", деди ўзи ҳам қизиқиб. Турган жойимда "Севимли шоиримиз Омон Матжон шеъри турғунлик йиллари ҳақида", деб ўқишга бошлагандим, одамлар: "Минбарга, минбарга" дея қарсак чала кетдилар. Иложсиз минбарга чиқдим. "Ягона сиёсий кун"даги шеърхонликками, балки менинг шеър руҳига шўнғиган кўринишимгами, зал сув қуйгандек жим. Мен Омон акага тақлидан, ҳар бир сўзни чертиб-чертиб ўқий бошладим:

*Етмиш йил эл яшаб Қуръон, Тавротсиз,..*
*Қор қора ёғмоқда, ёмғир заъфарон,..*
*... Ҳар ерда ҳоким ҳақ, арбоблар ғолиб,..*
*... Ҳайронман сен ўзбек деган миллатга,..*
*... Кўкда йўқ Улуғбек очган юлдузлар,..*
*Нечун қоралайсан сен ўз ўтмишинг,..*
*... Бойқаронг қотилмиш, Темуринг хунхўр,..*
*Жаннат Ўзбекистон, жаннатинг қани,..*
*... Асли сендан зўрроқ қандай киши бор?!*
*Бугун сайёрада "ўзбек иши" бор!*
*Ҳали ўзбекнинг бир ҳайқириши бор,*
*Қара, томирларинг титрашга тушди...*
(Шеър газета имконига кўра қисқартириб олинди — Р. Р.)

Шеърни ўқиб бўлдим. Зал бир неча сония жим қотганича бирдан ўзига келдими, гулдурос қарсак кўтарилди. Ҳар жой-ҳар жойда йиғлаб ўтиришарди. Мен ҳам кўз ёшларимни артганимча минбардан тушдим.

* * *

"Ўздавматбуотқўм"нинг нашриёт ва оммавий ахборот воситалари бошқармасида етакчи мутахассис бўлиб ишлаган уч ярим йилим мен учун алоҳида қадрли. Чунки ўша пайтда Омон ака раис муовини вазифасида бўлиб, бевосита бизнинг раҳбаримиз ҳам эдилар. У киши бизни гоҳида ҳузурига чақириб, гоҳ-гоҳида бизнинг хонамизга чиқиб вазифалар берар, ҳол-аҳволимизга ҳам қизиқиб, диққатимизни "бугунги китоб ва китобхонга" қаратиб, бир пас суҳбатлашиб чиқиб кетардилар. Хонада уч киши — матбаачи Меҳри Абдураҳмонова, шоир Дилшод Ражаб ва мен ўтирардик. Бошқарма бошлиғи Жаббор Раззоқ, етакчи мутахассис Валентина — жамоамиз аҳил ва ишчан эди. Кўриниб турардики, биз барчамиз Омон акани ўзига хос ички меҳр билан яхши кўрардик.

Топшириқларни фақат вазифамизни бажариш учунгина эмас, Омон акани хурсанд қилиш, ўзимиз ҳам у кишига манзур бўлиш учун ҳам астойдил бажарардик. Бўш вақтимиз бўлди дегунча бир пиёла чойми, қаҳвами — баҳона гап-сўз ўз-ўзидан адабиётнинг бугуни — энг яхши асар, энг яхши ижодкорга бориб тақаларди. Яхши асарларни чоп этиш учун маблағ етишмасди (матбаачиларнинг фикрича ҳозир ҳам шундай), ҳомийлик асосидаги асарларнинг барчасини ҳам бадиий юксак даражада деб бўлмасди. Адабиёт майдони кенг. Ҳомийлик асосида чиқиб кетаётган бадиий бўш асарлар бир жиҳатдан зарарли бўлса, бир жиҳатдан фойдали ҳамдир, дея ўзимизга таскин берардик. Чунки ёмон асарларни ўқир экансиз, миллатнинг шаъни бўлган Омон Матжон каби шоирларнинг юлдузи янада юксак кўтарилар ва ёрқин порларди.

Дилшод "ўткинчи нарсаларга бош қотириб ўтирамизми", дегандек шеър ўқишга тушиб кетарди. Унинг ўз севган шоирлари кўп эди. У Навоийдан, Фузулийдан, Машрабдан, Чўлпондан... Абдулла Ориповдан, Омон Матжондан ўқишни севарди.

***"Кўрдим: Шукур Бурхон "Ҳамза"дан чиқиб,***
***аста пиёдалаб кетди бир куни.***
***Бир ён гавжум кўча, бир ён расталар,***
***Оломон...***
***Кўпчилик билмади уни.***
***Репетиция ўтган. Мана у борар,***
***чарчоқ, тунд...***
***Парвосиз ҳаракат аро.***
***Ҳозиргина улуғ Шоҳ Эдип эди,***
***Энди фуқародан баттар фуқаро..."***

Дилшод каттагина шеърни ўзи ҳам шеърнинг ичига кириб кетган бир ҳолатда ҳаяжон билан бир тўхтамай ўқир, ўқиши давомида ўз тирикчилигидан бошқа ташвиши бўлмаган маънавий қашшоқ оломоннинг башарасини очиб борган кўйи шеърни Шукур Бурхоннинг ўлмас руҳига мурожаат билан шундай тугатарди:

***"Грим билан чиқинг, гулдираб чиқинг,***
***ҳеч бўлмаса Юсуф Ялангтўш бўлиб!"***

Шеърдан кейинги бир неча лаҳзалик сукутни бошқармамизнинг яхши ходими ва хонамизнинг меҳрибон "бека"си бўлмиш Меҳринисонинг меҳрли овози бузарди:

— Омон акани чойга таклиф қилайлик. Жаббор акани ҳам.

У дарров "Тефал"га "олов қўйиб", телефон дастагини қўлига оларди:

— Ассалому алайкум. Омон ака, чой қўйдик, Сизга қаҳвами, чойми? Келасизми, ё олиб чиқайликми?

Раис муовини Омон ака, бошлиғимиз Жаббор Раззоқ, қўшни хонада ўтирувчи ҳамкасбимиз Валентина чиқардилар. Ярим соатча давом этадиган маданий танаффус озиғи биз учун кун бўйи қувват манбаига айланарди.

Омон ака ҳар бир сўзини дона-дона, чертиб-чертиб, сўзнинг қувватини атрофидагиларга ҳис қилдириб гапирар экан, гоҳида тафаккурга чўмиб қолардилар. Гўё бир зумда бизни тарк этиб, кўнглининг энг улуғ суҳбатдошлари — "тоғ"лар ҳузурига йўл олардилар. Ким билади, мен учун шундай туюларди.

***"Хоразмда тоғлар йўқ эмас,***
***Хоразм тоғлари воҳани тонгда***
***қуёшдан тўсиб қўймаслик учун...***
***Одамлар қиёфасида яшашади!***
***— Хоразмий,***
***Беруний,***
***Шайх Нажмиддин Кубро,***
***Замахшарий,***
***Паҳлавон Маҳмуд,***
***Огаҳий,***
***Ҳожихон,***
***Комилжон..."***

... Омон аканинг неча йиллар муқаддам битган ушбу сатрларини кўп эслайман ва ичимда хиргойи қилганимча такрорлайвераман:

***"Огаҳий,***
***Ҳожихон..."***

* * *

***Омон Матжон...***

Муқаддас китобларда битилишича, тоғлар ер устида кўринишига нисбатан ер остига уч ҳисса чуқур ботган бўларкан ва Ернинг ҳаракатини ҳамда коинот билан мувозанатни тартибга солиб турувчи тоғлари йўқ халқнинг бахти ҳам ғарибдир. Мен Хоразмда янги бир талъатли тоғни кашф қилдим.

**Раъно РАҲМОН қизи**

Тақдир

# ТОМДА РАҚС ТУШГАН РАҚҚОСА

***Ўзбекистон халқ артисти, машҳур раққоса Гулнора Мавалвани Хореография олий мактабининг катта ойнаванд машқ хонасида учратдик. Бир-биридан гўзал, ёш раққосалар мураббийларининг кўрсатмаларини бажаришга интилар, бир-бирларига нималарнидир шивирлаб далда бермоқчи бўлардилар. Классик балетнинг "алифбо"-си қайтарилар эди. Гулнора опамиз биз билан мулоқотга киришганларида ҳам машқ давом этаверди.***

**— Гулнора опа, ўзбек рақс санъати жуда бой, унинг илдизларини узоқ ўтмишдан излаш зарурдир. Айниқса, қўл, тана ҳаракати нафис, гўзал, ранг-баранг. Қаердан олинган бу сержило нигоҳлар, жозибали рақс унсурлари, деб ўйлаб қоламан. Бир гал Хивада раққосаларнинг шоҳ ва шоир Муҳаммад Соний Феруз саройидаги ижросини кўриб кўп завқ олдим. Шунда рақс маромида ҳаракат қилаётган қўллар "чизаётган" жимжимали, мафтункор шакллардан ҳайратга келдим-у, кўзим қадимдан қолган гўзал устунларга тушди. Улардаги нақш, нозик дидли устанинг қўли, заковати, гўзалликни ҳамиша ҳис этиб турадаган юраги, қалби ила барпо этилган композиция жонланган, ҳаракатга келгандек бўлди. Раққоса гўёки ўша чизиқларни, шаклларни ўз ҳаракати, айниқса, қўл ҳаракати билан қайтараётгандек бўлди.**

— Бизнинг рақс санъатимиз ниҳоятда бой. У ҳали ҳам такомиллашиб бормоқда. Ўзбек рақси ўз ривожида тўхтаб қолгани йўқ. Янги куйлар, ашулаларга мос келадиган хореография шакллари изланиляпти. Шу кунларда шогирдларим хонанда Юлдуз Усмонованинг айрим қўшиқларига рақс тушмоқдалар. Қўшиқчи танлаган сўз, оҳанг ҳамда уларни ижро этиш маромига етказилиб, рақс кўринишлари, ҳаракатлари танланмоқда. Сиз рақсни тасвирий, амалий санъат билан қиёс қилаяпсиз. Фикрингизга қўшилган ҳолда, санъатнинг бу тури жисмоний тарбия билан ҳам узвий боғлиқлигини айтаман. Мусиқани тушунмаган, бадантарбия билан муттасил шуғулланмаган, маълум парҳез меъёрларига эътибор бермаган ёки турли ҳолатларга дарҳол кира олмаган киши раққоса бўлолмайди. Бу ҳақда буюк устозларимиз анчайин мулоҳазали фикр юритганлар. Уста Олим Комиловнинг "Пилла" рақсини ўргатаётганларида: "Меҳнат жараёнини айнан кўрсатсанг, бу санъат бўлмайди. Сен унга — ўша пилла билан ишлаётган қизалоққа, унинг меҳнатига шоирона руҳ бер. Шуни уддаласанг, санъат чўққисига кўтариласан", деган гапларини эслаб, у кишига таҳсинлар айтгим келади.

Ахир, улар бундай назарий асосларни ҳеч қаерда ўқимаганлар, ҳеч кимдан ўрганмаганлар. Бунга "туғма истеъдод" дейишади. Дарҳақиқат, устознинг ижоди серқирра эди. Доира чертар, рақс ўргатар ва унинг кўпгина ёзилмаган "қонун-қоидалари"ни билар ва уларга амал қилардилар. Шу каби устозлар сиз айтган анъаналарни билган, ўзлаштирган ва уларни рақсга татбиқ қилишга тайёр эдилар. Шу билан бирга улар мураббийлик истеъдодларини ҳам намойиш эта олганлар. Мен ҳам ўз шогирдларимга бу тажрибаларни етказишга ҳаракат қиламан.

**— Миллий рақс ижрочидан классик балет асосларини ўрганишни ҳам талаб этадими? Балетда шуҳрат қозонган санъаткорларнинг барчаси "Пилла", "Занг", "Хоразм" ёки "Помир" рақсини ижро этоладими? Машҳур Майя Плисецкая балерина сифатида танилган. Лекин бизнинг балет усталаримиз ҳам миллий рақснинг моҳир ижрочиси сифатида танилган, дея олмаймиз...**

— Балет шуниси билан яхшики, у ижрочидан доимо ҳам руҳан, ҳам жисмонан ижодга шай бўлиб туришини талаб этади. Балерина ҳар куни соатлаб машқ қилади. У ўзини ҳамиша тетик ҳис этиб туриши зарур. Тана гўзаллиги, қадам ташлаш, қўл ҳаракати маданияти, нигоҳ ўткирлиги — булар фақат саҳнадагина эмас, машқ хонасида, катта кўзгу рўпарасида, машқ ускунаси ёнида ҳам намоён бўлиб бориши керак. Ана шунда балерина семириб кетмайди, аксинча, ёш ниҳол каби кўзга ташланиб туради. Сиз тилга олган М. Плиссецкая "Князь Игорь" операциясидаги "Половец" рақсини дўндириб ижро этган. Балерина сифатида машҳур бўлиб кетган Ўзбекистон халқ артисти Бернора Қориева кўплаб рақслари учун ҳаттоки халқаро совринларни олишга ҳам муяссар бўлган. Дарвоқе, Майя Плиссецкая "Бухоро рақси"ни ҳам ижро этган!

**— Ўхшата олмагандир...**

— Истеъдодли одам-да! Яхши ўйнаган. Ҳаракатларни ўхшатган. Лекин ўзбек рақсига меҳр қўйган-у, ўзбек бўлмаган санъаткорнинг хатти-ҳаракатини баъзилар қабул қилиши қийин бўлган.

**— Гулнора опа, бу балеринани кўп суратга олишган. Фильм-концертларда унинг турли йиллардаги ижроси ўз аксини топган. Плиссецкаянинг актёрлик маҳоратини сезган режиссёр унга "Анна Каренина" кинороманида Бетти ролини ишониб топширган: у драматик ҳолатларга бой асарда малакали, махсус олийгоҳларда киноактёрлик маҳоратини ўрганган ижрочилар билан ёнма-ён туриб суратга тушган. Ўз ижросидаги образни маҳорат билан ижро этган. Бу тафсилотларни келтиришимнинг сабаби шундаки, кўпгина раққосаларни кинога таклиф қиладилар-у, улардан унумли фойдаланишмайди. Эсланг, ажойиб раққосалар Қизлархон Дўстмуҳаммедова, Дилафрўз Жабборова "Шашмақом" бадиий фильмида икки образ яратганини биламиз. Лекин фильмда уларнинг рақс тушиш имкониятлари тўлалигича очиб берилмаган.**

**Экранда рақс завқ берибгина қолмай, маълум драматик вазифани ҳам бажариши керак, шундай эмасми?**

— "Улуғбек юлдузи" фильмида мен "Қилич ўйини"ни кўрсатганман. Режиссёр А. Файзиев жиддий драматик вазифани ана шу рақс ёрдамида ҳал қилмоқчи бўлган эди. Лекин бошқа ўринларда биз раққосалардан шунчаки дивиртисмент, канимерт кўринишини яратиш учун фойдаланишган. Фақат Гулчеҳра Жамилова бизнинг хореография мактабимизда таҳсил олган-у, кинога, театрга қизиқиб кетган. Уни жуда ҳурмат қиламан. Айниқса, унинг Кумуш ролини! У театр институтида ҳам ўқиди.

**— Гулчеҳрахон ҳам рақс санъатини экранда намойиш этмадилар. Бу ўринда гап сценарий, режиссура ҳақида кетиши керакдир. Бундай актрисалар имкониятларини кўзда тутиб фильмнинг пойдевори яратилса, рақс ҳам, роль ижроси ҳам ўзгача бўлади. Айтинг-чи, телеэкранда тез-тез кўрсатиб туриладиган "Ёр-ёр" кинокомедиясидаги сизнинг рақсингиз тасмага туширилиши тарихи қандай бўлган?**

—Мени ҳалигача кўчада, метро бекатларида гапга тутиб: "Томда рақс тушган сизми?", "Ёр-ёр"да ўйнагансиза?!" каби саволларни беришади. Ҳақиқатан ҳам Хумсондаги бир хонадоннинг томи бизга суратга олиш майдончаси сифатида хизмат қилган.

Тоғ, унинг этагидаги қишлоқ, шовқин солиб оққан дарё бизга завқ бергани, тўлиб-тошиб ижод этишга чорлаётгани ёдимда. Бу эпизодни суратга олиш фикри Жўрахон ака Султонов ҳамда Мамуржон ака Узоқовдан чиққан. "Гулнора Нодирабегим шеъри билан айтиладиган ашулага рақс тушсин. Уни шу фильмга киритинглар", деб маслаҳат беришган-да, ўзлари Фарғонага кетиб қолишган. Хонанда Эргаш Йўлдошев эса улар билан бирга юриб, "Ваъдаи висолинг" ашуласини ўрганиб келган. Сўнгра Хумсонга борганмиз. 100 ёшини нишонлаётган бир отахоннинг тўйи куни рақс ва ашула эпизоди суратга олинган. Бу ўринда фильмга сингиб кетган лирик кайфият ашула ва рақсда ҳам борлиги кўзга ташланар, лекин "Қутлуғ қон" кинодрамасида биз Мукаррам опа Турғунбоева билан шунчаки рақс тушганмиз, холос. Фильм қаҳрамони Нурининг дабдабали тўйини безаш учун биз раққосалардан фойдаланишган. Бу мусиқали эпизод фильмнинг "ямоғи"га ўхшайди. Режиссёр Л. Файзиев дидли санъаткор эканлигини кейинчалик исбот этди. М. Левиевнинг "Суҳайл ва Меҳри" балети асосида ишланган фильмнинг қиймати эса йил сайин ортиб боради, деб ўйлайман.

**— Сўнгги саволим: "Фарғона рубоийси" садолари янграганида раққосалар дарҳол ҳаракатга келади. Дарҳол даврага тушгиси келади. Ижро ҳам ёқимли, ҳам нафис. Бунинг сабаби нимада? Ахир, ҳозиргача яратилган мусиқа асарлари орасида бундай куйлар талайгина-ку?!**

— Чунки бу куй олтин водийни, гўзал юртдошларимизни, уларнинг юксак ҳис-туйғуларини таърифлайди. Ахир, кимсан Мукаррама Турғунбоева раҳбарлигида қўйилган рақс-ку бу!

* * *

***Шундай дилдан отилиб чиққан сўзларни айтар эканлар, Гулнора опа рақсга чорланди, қўлларини баланд кўтариб даврага тушди. Неча ўн йиллар муқаддам устозлари, дугоналари билан тушган рақснинг жозибасини кўрсата бошлади. Ҳаракатлар нафис, нигоҳлари самимий, рақс тушиш мароми бир текис.***

***Шунда суҳбатдошимнинг иқтидорига яна бир бор қойил бўлиб, ич-ичимдан у кишига ижодий муваффақиятлар тиладим.***

**Ҳамидулла АКБАРОВ**
**суҳбатлашди**

Voice of America

# Америка овози

*www voanews. com/uzbek*

- *Дунё хабарлари*
- *Америка ҳаётидан лавҳалар*
- *Қўшма Штатлар сиёсати, иқтисоди, маданияти ва маърифатининг турли қирраларини акс эттирган маълумотлар*
- *Америка ва дунё жамоатчилигини боғловчи қадриятлар*
- *АҚШ ва Марказий Осиё муносабатлари*
- *Вашингтон-Тошкент алоқалари*
- *Демократия ва инсон ҳуқуқлари борасидаги жараёнлар*
- *Терроризмга қарши кураш босқичлари*
- *Дунёдаги долзарб воқеаларга Вашингтондан назар*

*Буларнинг ҳаммаси "Америка овози" радиосининг ўзбек тилида ҳавога узатиладиган дастурларида*

*Эшиттиришларимиз ҳар куни алоҳида-алоҳида дастурлар ҳолида Тошкент вақти билан 17.30-18.00 ва 20.00-20.30 оралиғида эфирга узатилади.*

***«Америка овози»***

***радиосини қисқа тўлқин — УКВ***

*17.30-18.00 да 15470, 17555, 17730 kHzда 19 ва 16 метрларда;*
*20.00-20.30 да 7295, 9745, 15255 kHzда 41, 31 ва 19,*
*шунингдек, Душанбе атрофида ўрта тўлқин 1143 килогерцда ва Ўш минтақасида FM 103,2 метрларда тинглаш мумкин.*

VOA

*МУРОЖААТ УЧУН*
*VOA UZBEK SERVICE Independence Avenue SW, Room # 2141, Washington, DC 20237, USA*
*Tel: (202)6197566, (202)6190368, fax: (202)2603498, (202)6190368*
*uzbek@voanews.com*

Ўзингни англаб ет!
Mustaqil gazeta HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

*Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:* Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Турсунали АКБАРОВ, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Амирқул КАРИМОВ, Наим КАРИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот ва ахборот агентлигида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

**Таҳририят манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 41-49-91. Тел: 41-52-72, 144-25-06.

Индекс:
Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Муҳиддин АБДУРАСУЛОВ

Ⓡ — тижорат белгиси.

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 515
Адади: 3047

*Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.*

«Hurriyat» kompyuter markazida Jamshed TOG'AEV tomonidan sahifalandi.